

Turkiston

1925 yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 20-iyun, payshanba № 75 (14566)

ХАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Таҳиятош шаҳар Кенгаши ташаббуси билан 2-мактаб ўқувчиларининг ҳарбий қисмга экскурсияси ташкил қилинди. Бунда ўқувчи ёшлар аскарларнинг яшаш тарзи, хизмат бурчларини қандай ўтаётганликларини билан танишдилар.
Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.
Ўзрбой МАТЧОНОВ

ЯПОНИЯДА ТАҲСИЛ ОЛАДИЛАР

Япониянинг JICE халқаро ҳамкорлик маркази Япония олий ўқув юртралида ўқиш учун 20 нафар ўзбек ёшларини тайёрлади. Тошкентдаги Бизнес марказда япон тили бўйича билимларини такомиллаштириш учун кунчиқар мамлакатга юборилаётган ёшлар билан учрашув ўтказилди.

— Бу йигит-қизлар Япония грантлари бўйича кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш лойиҳаси доирасида таҳсил олаётган истеъдодли ёшларнинг учинчи гуруҳи ҳисобланади, — деди лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Э.Танака. — Мазкур ёрдам бегараз асосда бўлиб, Тошкентда япон тили ўқитиш ва Япония олий ўқув юртралида таҳсил олиш Япония ташқи ишлар вазирлигининг ривожланаётган мамлакатларга расмий ёрдам жамғармаси томонидан тўланади.

Э.Танаканинг таъкидлашича, танланган университет магистратурасида ўқиш муддати 1,5 ёки 2,5 йилни ташкил этади. Лойиҳанинг асосий мақсади инсон ресурслари тараққиёти режаларини амалга оширишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш ҳамда икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан иборат. Айнан шу боис гуруҳга келгусида ўз соҳаларида етакчи бўлиш салоҳиятига эга 22 ёшдан 35 ёшгача бўлган кишилар танлаб олинди.

— Ҳар йили биз 20 нафар стипендиантларни Японияга ўқишга юборамиз, улар иқтисодиёт, давлат бошқаруви, бизнес, ахборот технологиялари ва ҳуқуқшунослик соҳаларида ўз билим ва малакаларини такомиллаштирилади, — деди Э.Танака.

«Туркстон-пресс»



Рустам ШАТАЕВ (ўзА) олган суратлар

«ТІСО» МУБОРАК

Тошкент Давлат аграр университети талабаси Саида Искандарова «Универсиада-2002» спорт мусобақаларида икки бор олтин медалга сазовор бўлиб,



Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан «Тіко» автомобили мукофоти билан тақдирланди.

Уч қарра Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ҳамда Олимпия ўйинлари иштирокчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Саида Искандарова ҳаётда ҳам бир қатор ютуқларга эришмоқда. Кўринишдан ёқимтой, қувноқ бўлган спортчи қиз келажакда менеджер бўлишни орзу қилади.

ЎзА

Ҳаётинг, кечмишинг, тақдиринг тизгини сенга буйсинмагани сингари авлодлар алмашинуви ҳақиқати ҳам муқаррардир. Қанча авайла, қанча мулоим гапир, қанча эҳтиётлаб пичирлаган, алқанг, эркалаган — барибир нозик умрнинг ўткинчилик сиёсати жуда совуқ, буйсунмай иложи йўқ, сен қанчалар тайтув ўсгин, қаддинг шамшодлигидан, тилинг қилчдек кескирлигидан ойлар, боринги, йиллар мобайнида лоф ур, бир исмиёсиз шамол, айтилук, шабада ёҳуд эпкин қабади уриб туради, бу ҳаёт шабадаси...

Мана, давр эврлди. Шоир айтганидек, «келди ўзга замоналар, кўриди бошқа номлар». Одамнинг хатоси шундаки, у қўлига пул қирса, мутлоқ қўлимда турсин, яна кўпайсин, дейди. Оллоҳ дейдики, бир водийни берсам, иккинчисини дейсиз, иккинчисини берсам, учинчидан водий меники бўлсин дейсиз. Одамзотнинг тўямаслигига бу бир исбот.

Коммунистик партия ҳам бир неча авлодни қаритиб улгуришиди. Улар ҳозирги каби кунларни кўришни истамаганмиди? Дилда бошқа гап, тилда бошқа гап эди. Шу сабаб бугун не бир улғуз зотлар гўридан тик тургиси келаятирми?

Шукр-ки, ўзбек коммунистик партия учун туғилмаган. Бу партия эл қатори ўзбеккаам солинган қурбонлик эди. Оққан қон-у, кўздаги нолапар зора гуноҳларини ювган бўлса. Шу туфайлидир, бизда Зюганов издошлари кўринмайди.

Бағрикенглик мудом худбинлик устидан галаба қилиб келган.

Агар Ўзбекистонда давлат раҳбарининг феъли дарёлиги бўлмаганда эди, албатта авлодлар ўртасида тафовут содир бўларди. Оталик, оналик, болалик, оқсоқоллик, кайвонийлик, қамтарлик маънавиятига алоҳида урғу берилмоқда. Бу ўз-ўзидан туғилаётган, шунчаки гапирлаётган, йўлига қилинаётган ишлар эмас. Чукур маъно-моҳияти бор.

Совет замонида 35 ёшли раҳбарни сира кўрганмидингиз? Ҳозир 33 ёшли Олий Мажлис депутаты, 35 ёшли вилоят ҳокимиятини кўриб турибмиз. Аввалигидан даврда 30 ёшли хатто колхоз раиси бўлмаганимиз назарда турсак, бу худди бир тушга ўхшайди.

АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИ

Муқаррар ҳодиса 30 ёшли раис борми?

10 йилда авлод алмашинади Отанинг дўпписи болага тор келади

Узбекнинг алами, қасос олиш ҳис-туйғулари нақадар кучли бўлса, унинг кеҳиримлик фазилати бундан кам эмас. Бу фазилат инсонни қанчалар улғур қўрсатади.

Истиқлолга ўзимизда тиш-тирноғи билан қарши ҳаракат қилганларни кўрмаган бўлсанга, додвирлаган, иккиланганларни кўрдик.

Иккиланган одам беқарор бўлади. Беқарор одам, дўст бўлмагандан садақат кутиш мумкинми? Ишончи мумкинми унга?

Шарҳда авлод билан авлоднинг ўртасига қиройли кўприк қуришган. Бу устоз-шоғирдчилик кўпригидир.

Устоз ҳам, шоғирд ҳам шу кўприк олдида қадим аъналарга асосан эҳтиромли бўлишга мажбурдир. Устоз-шоғирдчиликни ҳамма соҳада кўриш мумкин, айтилик, сиёсатдан тортиб миробчиликка.

Бу аъна ҳам илоийм ўлмаган! Одамни яхши сўз тарбия қилади. Яхши сўз эса яхши кўнгилдан чиқади. Зеро яхши кўнгил эгалари яхши тарбиячилардир.

Устоз Абдулла Ориф марҳум шоғирди Равшан Файз ҳақида унинг китобига сўнгуз ёзаётиб дейди: «Равшан Файз истеъдодли шоир, оқибатли дўст, меҳрибон ўғил, оқибатли ота, энг муҳими, қўнбақ ва дилқас инсон эди...

...У мени ўзинга устоз санаганидан ва шундай тақдорланмас шоғирдим борлигидан қувониб юрардим ҳаммаша...

Бир гал Ойбек домла Саид Аҳмад домлага рўпара келиб айтган экан: «...Сиз Фафур билан жуда узоқ вақт бирга бўлгансиз. Ёзинг! Нимаики билсангиз ҳаммасини ёзинг. Шерларнинг маъносини қаҳаман, деб уринманг. Бу гаплари адабийшуносларга қўйиб беринг. Фафурнинг қанақалигини

(Давоми 2-бетда)

СУРХОН ДЕҲҚОНИНИНГ ПЕШОНА ТЕРИ

Сурхондарё вилоят ғаллакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини ортиғи билан адо этдилар

Бундан бироз илгарироқ Президентимиз вилоятимизнинг Қизилқум ва Жарқўрган туманлари ғаллакорларининг талабалари билан қўлга олишга қатъий бел боғлашди.

Дарҳақиқат, Сурхон деҳқони ўз зиммасидаги вазифини шараф билан уқдалади. Воҳа деҳқонлари 224 минг 800 тоннадан кўпроқ дон тайёрлаб, ҳосилдорликни ҳар гектардан ўртача 42 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди.

Албатта, деҳқонларимиз эришган бу муваффақиятнинг об-ҳавонинг қулай, баҳорнинг серёғин келгани билан изоҳлаш керак. Чунки илгари табиат бундан-да қулай келган йилларда ҳам бугунгидек муваффақиятга эришилмаган. Уйғит ҳам, сув ҳам, меҳнат ҳам етарли бўлса-да аммо воҳада ҳосилдорлик паст бўлган. Бу ютуқларнинг асл сабабларини вилоят кишлок ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Шамсиддин Орипов шундай изоҳлайди.

— Сўнгги йилларда бу соҳада иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва ерларнинг асосий қисми

ойиларга бўлиб берилгани-да деб биламан. Ер эгаси у ижарачини, фермерни ёки оддий деҳқонни унга тепадан топшириқ ҳам, кўрсатма ҳам шарт эмас. У қанча кўп меҳнат қилса шунча мўл ҳосил олишини яхши билади. Моддий манфаат бор жойда ана шундай натижа бўларкан. Шу туфайли айрим оилавий пудрат, фермер ва ер эгалари ўз эҳтиёжи учун ўнаб тонна бугдой олишга эришдилар.

Очиги, бундан икки-уч йил олдин телевизор ёки матбуот нашрларидан андиҳонлик ғаллакорларининг бу соҳада эришган ютуқларидан ҳайратланарди. Баъзилар «Наҳот, бир гектар ердан 80-90, ҳатто 100 центнердан ҳосил олиш мумкин бўлсада?» деган шубҳа-ғумдонларга ҳам боришарди. Қаранг, ана шу мулоҳаза эгаси бўлган кўшак бу йил ўз ерида, саксон-тўқсон эмас, 101 центнергача ҳосил олган оилавий пудрат аъзолари бўлди. Бу афсона ёки ривоят ҳам эмас, айни ҳақиқат. Шу туфайли вилоятнинг кўпгина туманлари ва ҳўжаликлари, деҳқон ва фермер ҳамда оилавий пудратчилари мавжуд ғалла майдонларининг тенг ярмини ўриб-ўрмай белгиланган шартнома режаларини ортиғи билан уқдалаб қўйдилар.

Демак, меҳнат қилинса деҳқонга ҳамма шароит яратилса, улар бундан ҳам кўпроқ ҳосил олиш мумкинлигини ҳаётда исботлашди. Сарийосиё туманидаги Г.Хидиров номли ширкат ҳўжалигидан Шавкат Ражабов бошлиқ оилавий пудрат аъзолари «Чиллика» навидан ҳар гектаридан 88 центнердан ҳосил олишди. Шу тумандаги Охунбоев номли ширкат ҳўжалиги пудратчиси Юсуф Расулов ҳар гектар майдондан 86,6, Отажон Мўминов бошлиқ оилавий пудратчилар 84, Музработ тумани «Навбахор» ширкат ҳўжалигидан Г.Қобилев бошлиқ ғаллакорлар 80, Б.Нормўминов раҳбар бўлган ғаллакорлар эса 75-76 центнердан ҳосил олишга эришдилар.

Ҳа, ният холис, орзу эзгу бўлса, қўзланган иш амалга ошади. Бугун Сурхон диёрида Байрам. Бу байрам Меҳнат Байрами. Ҳозир ҳар бир катта-ю, кичикнинг нияти битта: тезроқ қолган майдонлардаги ҳосилни йиғиб олиб, тақрорий экин экиш, келгуси мавсумга ҳозирлик қилишга қаратилган. Шу туфайли улар республикаимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш учун ҳар бир сонияни ғанимат билиб, ўрим-йиғим ишларини қизгин давом эттирмоқдалар.

Чори ЖУМАҚУЛОВ, «Туркстон» муҳбири

«Guliston» журналининг наабатдаги 2-сонини тақдирот маросими қуни кеча Миллий матбуот маркази мажлислар залида бўлиб ўтди.

Саксон йилдан буён ўз фаолиятини давом эттираётган журнал бугун ўзига хос қўринишга эга бўлиб, ранг-баранг саҳифалари билан кишини беихтиёр ўзига тортади. Айниқса, иқтисодий қийинчиликлар рўқан қилинаётган бир пайтда йиғилганлар ва сўзга чиққанлар янги ҳўжинидаги қиёфаси

ЯНГИ ШАҚЛ, ЯНГИЧА МАЗМУН



билан матбуотда ўз ўрнини мустаҳкамлаган журналинга келажакдаги фаолиятига ишонч билдиришди.
Сўзга чиққанлар журнал ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини ўртага ташлашди. Жумладан, унинг саҳифаларини бир ярим бараварга ошириб, ҳажминини янада кенгайтириш зарур, деган тақлифлар журнал ижодкорларига маъқул келди.

Зиёда АШУРОВА

БАҲС ҚИЗГИН

МОСКВА, 19 июнь. ЎзА махсус муҳбири Муҳаммад Амин хабар қилади

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсмирлар спорт ўйинлари давом этмоқда.
Қизгин ўтаётган мусобақаларда энгил атлетикачиси — Тошкентдаги 225-мактаб ўқувчиси Светлана Радзивил баландликка сакраш

бўйича иккинчи ўринини эгаллади ва кумуш медал соҳибаси бўлди. Самарқанд олимпия ўринбосарлари коллежиди таҳсил олаётган ёш самбочи Камол Аҳмадов эса 51 килограмм вазни полвонлар баҳсида бронза медалини қўлга киритди.

АБИТУРИЕНТНИНГ КЎНГЛИДА НИМА БОР?

Биз пойтахтда олий ўқув юрталарига кириш учун тайёрланган бўлганимизга қарамай ҳамма билганимизга қарамай ҳамма билганимизга қарамай...

Феруза Мусулмонова:

— 2001 йилнинг октябр ойидан бери ушбу тайёрлов бўлимида тахсил оляпман. Институтга икки йил ҳужжат топшириб, кира олмадим. Насиб қилса, бу йил омад қилиб боқади деб ўйлайман.

Баҳодир Исмоилов:

— Ҳуқуқ йўналиши бўйича тайёрланаяпман. Ниятим, ҳуқуқшунослик факультетида ўқиш. Тўғри, бу факультет анча пухта билимини талаб қилади.

Фарҳод Сафаров:

— Мен химия-биология йўналиши бўйича тахсил оляпман. Орзум етук тиббиёт мутахассиси бўлиш. Бу соҳага болалигимдан қизиққанман.

Нафосат Бўронова:

— Журналистика йўналиши бўйича тайёргарлик қўрапман. Биз кўпроқ китоб ўқишга ҳаракат қиламиз. "Ахборотнома"ларни эса билишимизни синаш мақсадида қўриб чиқяпмиз.

Бу суҳбатдан сўнг бизни қувонтиргани абитуриентларнинг фикр-лаши бўлди. Авваллари айрим ёшлар онгида "Ўқишга пулсиз кириб бўлмас эмиш", "тест ҳам олдиндан гаплашиб қўйилар экан" каби...

Нигора ТҶХТАМАТОВА

МЕНИНГ ФИКРИМ

ОҚНИ ОҚ, ҚОРАНИ ҚОРА ДЕЙИШ КЕРАК

Миллий мафкура одатларимиз, энг аввало ёшларимизни тўғри эътиқодли қилиб тарбиялашнинг асосидир.

Мафкуравий иммунитет бу — ёшлар онги ва қалбига ҳақиқат ва адолат усурларини ҳосил қилиш...

Мафкуравий иммунитет бу — ёшлар онги ва қалбига ҳақиқат ва адолат усурларини ҳосил қилиш...

Шарифа БОЗОРБЕКОВА, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ходими

(Давоми, боши 1-бетда)

АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИ

Замон инсон руҳига, онгига ўз муҳрini қўяди, бусиз илож йўқ. Отангиз ёки акангиз кеча фаол бўлиб ишлаган бўлса, бугун сиз билан қайси масалаларда му...

...Абдулла аканинг укаларига меҳрини, Ойбекнинг келажак авлодлар учун буюк тенгқурининг гўзал хотира китоб бўлишни орзу қилиб ёзувчи укасига маслаҳат берганини англаб олиш қийин эмас.

— Абдулла Орипов, анча йиллар бўлди, бир шоғирдидан (қимлиги эсимда йўқ — бирор мансаб эгаси бўлса керак) ёзгирган эди: — Фалончининг бошини силаман, деб қўл чўзган эдим, бармоғимни тишлаб олди!



Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти касалхонасининг маслаҳат поликлиникасида 34 та тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатади. Улар замонавий апараты...

AKS-SADO «Бебилска пуллар» фильмининг эсланг

Газетанинг ўтган сонларининг бирида эълон қилинган «Ўзгичликдан ёмони йўқ! Ёки қарияларга суянчи керакми?» номли мақоласини ўқиб, айрим фикрлар айтишга жазм этдим.

томонлари эътиборга олинмаган. Ҳуқуқшунослар халқимиз менталитетини ва инсонийлик жиҳатларини эътиборга олиб, масалани тўғри ҳал қилиб беришлари керак.

Мақолада келтирилганча, кўпгина ёшлар оналари ўрнида бегона аёлни қўришни исташмайди. Демокчимизки, фарзандларни ҳам тушуниш керак. Агар юқориди таъкидлаганимиздай, масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига тўғри ечим топилса, бунга қаршилиқ билдирувчилар бўлмайди.

Кўп серияли хорижий фильмларнинг ҳаммасини ҳам ёқтиравермайман. Аммо уларнинг баъзиларида ахшигина гоя кўтарилган бўлади. Масалан, Бразилиянинг «Бебилска пуллар» фильмининг эсланг, унда катта корхона эгасининг хотини вафот этиб, фарзандлари отасининг уйланишига қарши чиқшадди. Демак, бу муаммо бутун дунёда мавжуд. Уни ҳамма тушунади, аммо фарзандлар тушунишни қийин кечади. Тушунган ота билан фарзанд ўртасида муаммо тез ҳал этилади ва ҳаёт ўз узамида давом этверади.

Биз ҳам бунини тўғри англамоғимиз ва ҳаётини масалаларини адолатли ҳал этишга ҳаракат қилишимиз лозим.


Содик МҶМИНОВ, нафақахўр

ФАРЗАНД НЕГА ОТА УЙЛАНИШИГА ҚАРШИ?

Журналист масала моҳиятига анча чуқур ёндашган, яқна-ёлғиз қолган кексаларимиз ҳолатига, қалбига киришга ҳаракат қилган.

Халқимизда «тенг-тенти билан...» деган мақол бор. Кўп ҳолатларда ёшларнинг гапи ўз тенгдошларига, кексаларнинг гапи ўз тенгқурларига тўғри келади. Демак, боланинг гапи кампирга ёхуд кампирнинг гапи чолга тўғри келади, улар бир-бирини яхши тушунади. Фарзандлар масаланинг бундай ҳолатида ҳам аҳамият беришлари зарур.

Безиллар отамнинг ейиш-ичишлари, кийим-кечагини муҳайё қилиб қўйибман, беш-олти йиллик умри қолган, уйлантириш шартми, дейиши мумкин. Бунга ҳам юқориди фикримизни айтиб, шунини қўшимча қилишимиз керак: агар отангиз кўпроқ умр кўришни истасангиз, унга ҳамларда топиб беришингиз керак, бу ўғилга ҳам, қизга ҳам тегишли гап.



Камокдан қайтганимдан сўнг мен туғилиб ўсган кишлоқ ахли талаб ва илтимоси билан Ҳазорасп туманидаги ширкат хўжалигида раислик вазифаси зиммамга юклатилди. Чунки бу вақтда хўжалик иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган экан. Одамларнинг меҳнат ҳақлари йиллаб берилмасдан келган...

ИНСОН ТАҚДИРИ— ЯГОНА

Ариқлар қазилди, тозаланди... Маълумки, табиат бойликлари орасида сув, тупроқ ва ер ресурслари алоҳида хусусиятга эга

Сув тупроқни «боқса», ер бизни кийинтиради. Биз, эртанги кун учун масъул бўлган одамлар ер ва тупроққа нисбатан берафқ ва фақат фойдаланиш муносабатида бўлмасликкимиз керак.

Кейинги 15-20 йилга назар соладиган бўлсак сув таркиби шўрланди, ер майдонининг шўрланиши 0,8 миллион гектарга ўсди ва бу кўрсаткич ҳозирги кунимизга келиб 2 миллион гектарга етди, шундан 0,85 миллион гектари ўрта ва қаттиқ шўрланган.

Тупроқларда гумус миқдори пасайиб кетяпти ва ҳозирги кунимизга келиб гумус миқдорининг қаймайиши 30-50 фоизга тушиб кетган.

Қолаверса, бугунги кунга келиб инсон ва табиат ўртасида мутаносиблик бузилди. Кўз ўнгимизда иқлим ўзгариши амалга ошмоқда, бутун бошли денгиз қуриятпти, азон туйнуқлари, чуллашиш, кислотали ёмғирлар ва шу каби экологик муаммолар тахдид сомоқда. Бу тахдид нафақат Ер сайёрасига қаратилган тахдид, балки инсон ва унинг тақдирига қаратилгандир. Зеро, Ер сайёрасининг тақдири-инсон тақдиридир. Она сайёраимизда яшаётган ҳолда боболаримизни тўйдирган, бизни тўйдирётган, авлодларимизни тўйдирадиган Ер тақдири, оби — ҳаёт тўзалиги борасида, яъни бунинг ортида бани башар тақдири ҳақида қайғу-

риш — янги юз йиллигимизда инсониятнинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Инсон тақдирини ерсиз, сувсиз ва унинг табиий ресурсларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон қаерда туғилишидан қатъий назар, ягона заминнинг фарзандидир. Ҳар бир экилган дарахт, тозаланган ариқ барқарор атроф-муҳитни таъминлашга ёрдам беради. Ер тақдири тўғрисида қайғуриш кундалик ҳаёт тарзимизга айланмас экан, инсоннинг эртанги тақдири ҳаф остида қолаверади.

Бу муаммолар бўйича ёзувчи А.П. Чехов шундай деган: «Табиатда бор нарсага кўпайитиш ва янгисини яратиш учун инсонга ақл ва заковот берилди, лекин у шу вақтга ҳеч нарса яратмади, фақат бузиб келди. Натияжада, ўрмонлар қуриди, дарёлар қуриди, қушлар йўқолди, иқлим бузилди ва Ер қурраси кундан-кунга бадбашара ва ночор бўлиб бормоқда».

Фарҳод УБАЙДУЛЛАЕВ, Тошкент Давлат аграр университети талабаси

«Қариси бор уйнинг...» Мен бу ҳикмати «Қариси бор элнинг фаршаси бор», - деб талқин этишни хуш кўраман. Чунки кўпни кўрган, ҳаётнинг шафқатсиз синовларини матонат билан енгган, долғали ва доғули замоналарда эътиқодини сотмаган инсонларнинг тажрибаси улғу бир мактабдир. Ҳоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги «Ҳоразм» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис Тоҳир Жуманиёзов 63 ёшни қаршилади. Бу инсон ҳаёти ёшлар учун ибратномадир. Бунини раис бунанинг муҳбиримиз билан бўлиб ўтган суҳбатидан ҳам англаш душвор эмас.

— Энг қизқарли нарса бир шахс учун иккинчи одамнинг таржимайи ҳолидир... —Мен иккинчи жаҳон уруши даврида туғилиб ўсдим. Чақалоқлигимда отадан етим қолганман. Онам раҳматлик Сора момо синглим Зухраон иккимизни оқ ювиб, оқ тараб воёга етказди, ўқишга киритиб, касб-корли бўлишимизга имконият яратди.

Кейинчалик қамқончаларда мен кўрмаган азоб, дард, ситам қолмади. Мен ўзим чеккан хўрликларни эслаб эзилмайман. Бироқ ўша «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» уйдирмасини уйлаб чиқарганлар зугумидан қўриқиб, ўз жонини омон сақлаш ниятида ёлгон кўрсатмалар берган, сохта гувоҳлик қилганларнинг субутсизлиги ёдимга тушса, кўнглим ўртанади. 1992 йилга қадар қамқончаларда сақлаб туришди. Бу орада «Turkiston» газетасида журналист Рўзимбой Ҳасан қаламига мансуб «Пахта ишининг яна бир қурбони...» деган мақола эълон қилинган экан. Унда менинг ноҳақ қамалганим, озодликка чиқариш пайти етгани ҳақида бонг урилган. Бу даврга келиб Президентимиз Ислам Каримовнинг ўзбекинона фидойилик билан қилган савий-ҳаракатлари билан «Ўзбеклар иши» уйдирмасига чек қўйилди. Суд мени оқлаб, чиқариб юборишида ҳам муҳтарам Юртбошимизнинг хиссаси кечкиди.

— Сиз янги раис бўлганингизда воҳамизда «Тоҳир ака бозорда қамиш сотиб, меҳнатқашларининг иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишти», - деган гаплар тарқалганди? — Ҳисоб рақамимизда бир сўм пул йўқ экан. Қўлни қовуштириб ўтиргандан фойда борми?! Мақтанг дедиман, қаловини топиб қорни ёндирдик. Ҳўжалигимиздаги ариқ ва зовурлардаги қамшларни ўрдириб, гишт заводлари, бозорларда сотдирдик. Пулини эса халққа тарқатдик. Бу эса хўжалик бошқарувининг ҳамқишлоқлар ишончини қозонишга омил бўлди. Улар биз билан як-

ЭЛ ЎҒЛИ БҰЛИШ БАХТИ

дир бўлиб иқтисодни юксалтиришга бел боғладилар. Икки йил ичида қарзлардан қўтилиб, равон ва барқарор тараққиёт йўлига ўтиб олдик. — Раҳбарликдан безган пайтларингиз ҳам бўлган экан?! — Ешуллининг гарданига одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш масъулияти юкланди. Бунини чуқур ҳис этганим учун ҳам ўз ишимдан ҳеч қачон безмаганман. Айрим мансабдор шахсларнинг қалтабин, бюрократлигиндан қўнглим қолиб, маълум муддат ишни йиғиштириб, деҳқончилик қилишга мажбур бўлганман. Туманимизга янги ҳоким тайинлангач, элдошларимиз қўрдақўймай тагин яна мени раисликка сайлашди. Янги ҳоким ёш, ишчан йигит. 70 йил ичида қилинмаган ободончилик, бунёдкорлик ишларини бошлаб юборди. Қўл остидаги ҳамма раҳбарларни лоқайдлик касалидан даволаб, тиришқоқликка, ташаббускорликка ўргатди. Ёшлар учун «Истиқлол уйингоҳи», «Ёшлар маркази», «Бахт уйи», қариялар учун «Оталар чойхонаси», жамоатчилик марказлари, хотира хиёбони ва оромгоҳлар барпо этишга баш қош бўлди. Бир замонлари Ҳазорасп, Хива ва Урганч син-

гари ҳар жиҳатдан ривожланган, илм-маърифат маркази бўлган. — Сиз раҳбарлик қилаётган «Ҳоразм» ширкат хўжалигида ёшларни иш билан таъминлаш қай аҳволда? — Ҳўжалик ҳудудида яшаётган 25000 нафар аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг аксарияти ижара пудрати, қўшимча ташкил қилинган корхоналарда меҳнат билан шугулланади. Қўшимча ишни ўринлари ташкил этиш мақсадида саноат корхоналари барпо этилди.

Яқинда бўз тўқиш, тикувчилик цехларини очдик. Шарбат ва тамат ишлаб чиқариш, гилам тўқиш, жунни қайта ишлаш цехларини очмоқдамиз. Қишлоғимизда бекорчи ёшларни учратиб аямрамаҳол.

— Ҳўжаликдаги ҳар бир ёш сизга «ота» деб муурожаат қилар экан? — Оталик — улғу маснад. Лекин ўғил-қизлар ҳам фарзандлик маснадининг нечоғлиқ муътабарлигини яхши англаши, ўз ота-онасидек ўзга ёши улғуларга нима учун «ўғлим» ёки «қизим» дея муурожаат қилганида эл фарзанди бўлишга лойиқманми ёки йўқ, деб чуқур уйлаб қўришлари лозим. Истагим ҳар бир ёш «ўл фарзанди» деган буюк унвонни оқлашга интилиб яшасин.

Эрпўлат БАХТ, «Turkiston» муҳбири

1

2

3

Португалиялик футбол юлдузи Луиш Фигу...

КОРЕЙСЛАР АЙТИШЧА...

“Биз кийимхонага қараб келатганимизда...”



Янг Пьо, — Фигу мен билан суҳбатлашди...

шунганимда ҳам дўстларим билан бор...

БЕКХЭМ ОГОҶЛАТИРЛДИ

Шифокорлар Англия терма жамоаси сардори Дэвид Бек...



хэмнинг эски жароҳатлари ЖЧ — 2002 даврида очилиб кетиш...

JINOYAT JAZOSIZ QOLMAydi

ОТАГА ТОШ ОТМА...

Ўз падарига қўл кўтарган ноқобил фарзандлар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди...

Хуллас, қўриб қолган гувоҳни ҳисобга олмаганда, режанинг самарали амалга оширилган хурсанд талоқчилар бири уйи, иккинчиси эса бозор томон югурди...

Самариддин ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси матбуот хизмати нозир

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ 2002

бар беришча, Бекхэм агар чорак финал учрашувда 45 дақиқадан кўп ўйнаса...

Жамоа шифокори Саймон Куп эса машҳур футболчиға бу учрашувда умуман майдонға тушмаслигини маслаҳат берган...



«ФЕНЕРБАХЧЕ» ЛИК ОРТЕГА

Туркиянинг мазкур жамоаси аргентиналик ярим ҳимоячи Ариел Ортега савдоси учун бўлган баҳсда Англиянинг “Ньюкасл” жамоасини ортада қолдирди.

РЕСТОРАН СОҶИБИ «ТИЛАГИ»

Япония ЖЧ—2002 учрашувларида муваффақиятли катнашган кунларда японлар юзларини миллий байроқ рангига бўяб, дарёга сакраётганини кўрган жаноб Миучи Мачуура чўқур қайғуга ботганди.

ХАЁЛИ ФАРОМУШ МАККАРТИ

Ирландия терма жамоаси бош мураббийси Мик Маккар...

“ижобат бўлди”. Японлар турлар билан бўлган учрашувда ўзинини 0:1 ҳисобидан бой беришди.

СЕНЕГАЛЛИКЛАР ҲЕЧ КИМДАН ҚЎРҚМАЙДИ!

Сенегал терма жамоа мураббийси Бруно Метсунинг айтишича, улар учун ЖЧ—2002нинг чорак финалида ким билан ўйнашиниғи фарқи йўқ.



асига қарши майдонға тушилади. Француз мураббийси Сенегал газетасига берган интервьюсида айтишича, турлар ҳам “кўпол рақиблар” тоифасига кириб, улар билан ўйнаш осон кечмас экан.

Шунга қарамай, сенегалликларға рақиб ким бўлишиниғи унчалик аҳамияти йўқ. Улар учун энг муҳими, ғалаба қозониб, ЖЧлари ярим финалида қатнашган биринчи Африка қитъаси жамоаси бўлишидир.

Воҳид БОЙМУРОДОВ ва Масъудхон ЗИЁНОВ тайёрлади

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

Бу одми савол эндигина гаровликдан қутилганда мос маҳкама биносидан ҳозиргина озод қилинган айбланувчида ҳам, сайловда ғолиб чиққан сиёсатчида ҳам, югуриш бўйича ютиб чиққан югурдак ҳам ўзининг ҳисси, ҳаяжони, кечинмаларини сузлаб беришга мойиллик туғдирадими, бу албатта, томошабин учун ҳам, тингловчи учун ҳам ўқувчи учун ҳам бирдай қизиқарлидир.

Иккинчи бир содда, жўн, табиий бир савол бу, “нега?” бўлиб, уни жамиятда тортинув ва мунозараларға сабаб бўлган муайян қарор қабул қилинишидаги масъул шахсларға бериш мумкин. Қандайдир муҳим ва қизиқарли ҳодиса рўй берар экан, ҳар биримиз уни нега ва қандай содир бўлганини билгимиз келади.

Пухта тайёргарлик қўрилган интервьюда уни тадрижий тартибли ва мантиққа мос бўлишини таъмин этадиган бир неча асосий саволлар бўлади.

Интервью таҳлилини уч ўлчамда ўтказиш мумкин: Асосийси — мавзу, олдиндан ўйлаб қўйилган муқобил ва қўтилмаган саволлар.

Интервьюнинг устунини суҳбатни бошловчи, уни ривожлантириб борувчи ва яқинловчи олдидан тайёрлаб қўйилган асосий саволлар ташкил этади.

Тинглаш қобилияти

Интервьюға жон бағишлаш учун, суҳбат маромиға мос саволлар бериш учун репортёрда тинглаш қобилияти бўлмоғи керак.

Тўғридан-тўғри эфирда интервью олиб борувчи ҳар бир журналист унинг суҳбатдоши суҳбат давомида тўсатдан қўтилмаган нарсани гапириб ўйришидан чўчидади.

Фарҳод РЎЗИЕВ ва Абдуқайом ПАРДАЕВ таржимаси

Фан-техника тараққиётининг натижалари бўлган илғор технологиялар кириб бормаган бирон-бир хўжалиғи соҳаси қолмаган ҳозирги кунда, бозор иқтисодиғида ўтиш даври тармоқларро комплекс илмий дастурлар ишлаб чиқишга; тахмин (прогноз), дастур ва режаларни узвий боғлашга; илмий-тараққиётни режалаш, молия билан таъминлаш ҳамда рағбатлантиришининг янги усулларини тадбиқ этишға қўядиган талаблари ҳамisha бошқарув инфраструктурасини такомиллаштириб боришни ва янги усулларни қўллашни талаб этади.

ФАНИМИЗ УФҚЛАРИ — ХАЛҚИМИЗ ЮТУҚЛАРИ

Бундай ҳолат сиёсий жиҳатдангина эмас, балки бир қанча иқтисодий ва ижтимоий томондан ҳам самараларни бериши тайиндир.

Биринчи навбатда фанлар академияси, тармоқ институтлари ва ўқув юртлари илмий марказлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг бир хил мавзуда ёки бир-бирини тақрорловчи услублар билан олиб борилишини олдини олиш лозим.

Илғор устувор йўналишдаги фундаментал ва иновацион лойиҳаларни аниқлаш учун, аввало жойларда (шаҳар ва вилоят марказларида) мувофиқлаштириш кенгашининг бўлимларини ташкил қилиб энг чекка шаҳарларда фаолият кўрсатаётган илмий жамоалар ва олимлар ўз фикрларини ҳаммага еткази олишиға шароит яратишимиз зарур.

Бизнинг фикримизча, лойиҳаларни ишлаб чиқишда аниқ мезонлар ҳамда тажрибаға суяниш мумкин бўлса, амалий илмий ишлар ва фундаментал изланишларда сарфланадиган вақт ва моддий харажатларни олдиндан аниқ белгилаш мумкин эмас.

- 1. ЭХМ ва компьютер тармоқларини ўрнаттиш ва ишлатиш. 2. Компьютер ва офис жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш. 3. Компьютер графикаси. 4. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Оқ-дарё - 122.

Автобуслар: 15, 26, 106, “Жамила” магазини бекати.

Маълумот учун телефон: 93-46-53

«Ёритувчи-Аудит» аудиторлик фирмаси тугатилади. Даъво ва аризалар бир ой муддат ичида қабул қилинади

Эргаш МИРСАИДОВ, иқтисод фанлари номзоди

ТОШКЕНТ КОМПЬЮТЕР КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2002-2003 ўқув йили учун қуйидаги мутахассислик йўналишлари бўйича ўқувчилар қабул қилади

- 1. Курилиш-пардозлаш ишлари ИХТИСОСИ: — Курилиш бўёқчиси; — Сувоқчи; — Мармарға ишлов берувчи; — Пардоз берувчи. 2. Дурадгорлик ва паркет ишлари ИХТИСОСИ: — Курилиш дурадгори; — Дурадгор; — Ойна солувчи; — Паркетчи. 3. Кўтарма транспорт ва курилиш машиналаридан фойдаланиш. ИХТИСОСИ: — Автомобиль крани ва юклагичлар машинисти; — Автогредер машинисти; — Машина ва механизмларни таъмирлаш бўйича чилангар; — Автомобиль ҳайдовчиси. 4. Тикув ишлаб чиқариш ИХТИСОСИ: — Кенг ассортиментли кийимлар тайёрлаш бўйича — Тикувчи-бичувчи; — Эркак ва аёллар кийимларини тикувчиси. 5. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ИХТИСОСИ: — Йўл-патрул хизмати инспектори; — Қадрлар бўйича инспектор; — Иш юритувчи. 6. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш ИХТИСОСИ: — Сув таъминоти ва канализация тизимини таъмирлаш бўйича чилангар; — Электр газ пайвандчи; — “В” ва “С” тоифали автомобиль ҳайдовчиси. 7. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш. ИХТИСОСИ: — Газ таъминоти тизими жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар; — Электр газ пайвандчи.

Мана булар 11-синфнинг битирганлар 1 йиллик хўжалик ҳисобидидаги курсларға қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади:

- 1. Мактабгача ёшдаги болалар “Кичик тарбиячиси” 2. “Ошпаз-қандолатчи” 3. “Тикувчи-бичувчи” 4. “Хисобчи-ЭХМ оператори” 5. “Авточилангар”, “В” ва “С” тоифа бўйича ҳайдовчиси.

Керакли ҳужжатлар: 1. Коллех раҳбари номиға ариза 2. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (асли) 3. Маълумоти ҳамда гувоҳнома (асли) 4. Табиий маълумотнома (0-86 шакл) 5. Психологик-педагогик таҳлис маркази тавсияномаси 6. 3x4 ўлчамли фотосурат (6 дона) 7. Яшаш жойидан маълумотнома.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Слоним кўчаси 113-уй.

ҲАМЗА ҚУРИЛИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ 2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ ЙўНАЛИШЛАР БўЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

- 1. Курилиш-пардозлаш ишлари ИХТИСОСИ: — Курилиш бўёқчиси; — Сувоқчи; — Мармарға ишлов берувчи; — Пардоз берувчи. 2. Дурадгорлик ва паркет ишлари ИХТИСОСИ: — Курилиш дурадгори; — Дурадгор; — Ойна солувчи; — Паркетчи. 3. Кўтарма транспорт ва курилиш машиналаридан фойдаланиш. ИХТИСОСИ: — Автомобиль крани ва юклагичлар машинисти; — Автогредер машинисти; — Машина ва механизмларни таъмирлаш бўйича чилангар; — Автомобиль ҳайдовчиси. 4. Тикув ишлаб чиқариш ИХТИСОСИ: — Кенг ассортиментли кийимлар тайёрлаш бўйича — Тикувчи-бичувчи; — Эркак ва аёллар кийимларини тикувчиси. 5. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ИХТИСОСИ: — Йўл-патрул хизмати инспектори; — Қадрлар бўйича инспектор; — Иш юритувчи. 6. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш ИХТИСОСИ: — Сув таъминоти ва канализация тизимини таъмирлаш бўйича чилангар; — Электр газ пайвандчи; — “В” ва “С” тоифали автомобиль ҳайдовчиси. 7. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш. ИХТИСОСИ: — Газ таъминоти тизими жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар; — Электр газ пайвандчи.

ЎРТА МАКТАБ (11-СИНФ)НИ БИТИРГАНЛАР 1 йиллик хўжалик ҳисобидидаги курсларға қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади:

- 1. Мактабгача ёшдаги болалар “Кичик тарбиячиси” 2. “Ошпаз-қандолатчи” 3. “Тикувчи-бичувчи” 4. “Хисобчи-ЭХМ оператори” 5. “Авточилангар”, “В” ва “С” тоифа бўйича ҳайдовчиси.

Керакли ҳужжатлар: 1. Коллех раҳбари номиға ариза 2. Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (асли) 3. Маълумоти ҳамда гувоҳнома (асли) 4. Табиий маълумотнома (0-86 шакл) 5. Психологик-педагогик таҳлис маркази тавсияномаси 6. 3x4 ўлчамли фотосурат (6 дона) 7. Яшаш жойидан маълумотнома.

Автобуслар: 15, 23, 54, 26, 61, 106, “Изза” бекати. Телефонларимиз: 94-42-32, 94-08-94



Инсон мунтазам равишида жамиятда вақтдаги ўзгаришларни ҳис этиб, янгиликлар билан бирга бор-масаси, ўз устида ишласанга, вақтдан орқада қолади...

Мамлакатдаги ҳар бир ёшнинг имкон борича замондан илгариланган, ўзиб кетиб яшаши ёки замон

турли йўналишларда фойдаланишга ҳаракат қилаётганликларини сўрновномалар ҳам тасдиқламоқда.

ВАҚТ - ОЛТИН. ОЛТИННИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ

Тошкент шаҳридаги 278-мактаб ўқувчилари ва Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти талабалари билан олиб борилган сўров натижалари буни тўла тасдиқлайди.

билан баробар қадам ташлаши, аммо ҳеч қачон замондан орқада қолмаслигига эришиш вазифаси муҳимдир.

Оқибатда, инсонларда вақт билан шунчаки муносабатда бўлиш ва уни ўтказиш, вақт қадрига етмаслик ҳисси ошади.

Вақтни англаб қадрига етишга нимадир таъсир кўрсатади? Бозор муносабатлари вақтни ҳис этиш у билан уйғун фаолиятда бўлишига таркибий ўзгаришлар киритмоқда.

ри, маҳаллаларда, ўзaro муносабатларда вақтдан, хусусан иш вақтидан унумли ва самарали фойдаланишда сезиларли ўзгаришлар содир бўлиши зарурияти сақланиб турибди.

Янги давр талаблари вақтга нисбатан мулоқот бошқача тамойиллар ва фаоллик асосида қурилади.

Инсонлар ўзгараётгани, уларнинг вақтга муносабати, қарашлари ўзгараётган бўлса, у жамият учун муҳим ютуқдир.

Дўстмурод НОРКУЛОВ, фалсафа фанлари доктори

БЎРИ ОВГА ЧИҚСА...


Бўстонлик туманидаги тоғ қишлоқлари аҳолиси анча ўйга ботиб қолган... Ўтган йили майдонтоқлик Маҳкам ақанинг 16 бош қўйини бўрилар бўғизлаб кетганда кўпчилик ишонқирамагандек бўлди.

зорат инспекцияси бошлиғи Н. Ражапов. — Бизнинг ҳисобимизга қўра, уларнинг сони 630 тадан ошган.

— Бўриларни овлашга рухсат берилмаганми? — сўраймиз у кишидан.

— Рухсат бор. Табиати муҳофаза қилиш қўмитаси аллақачон овлашга рухсат берган. Аммо, бўри деган махлуқ жуда қув, ақли бўлади.


— Кейинги йилларда худудимизда бўрилар хайла кўпайиб қолди, — дейди "Чотқол - Угом" давлат табиат миллий боғи бошқармаси на-



ши мумкин. Шунинг учун, ҳеч бўлмаса, ҳимоя чораларини кўриш лозим.

Айтишларича, бўрилар бир кунда ўртача беш килограмм гўшт ер экан. Улар бугун нафсини асосан аҳоли қўлидаги чорва ҳисобига қондирилган ҳаракат қиляпти.

Неъмат ДУШАЕВ



Болалик бахти

ФАРЗАНДИГИЗ ХУЎ-АТВОРИНИ БИЛАСИЗМИ?

(Давоми, боши ўтган сонда)

ПАЗИЗОД (24.08-23.09)

Асосий хусусияти: танқид ва ривожлантириш



Ижобий хислатлари: осойишта, бир хил, меҳнатқаш, эътиборли, ишга берилувчан, маъсулиятли, садоқатли, ақли, ишбилармон

Салбий хислатлари: совуқ, ҳиссиз, чегараланган, фақат ишни ўйлайди, танқидчи, майдочи, нотинч.

Фарзандингиз кўзингизни қувонтириб, сизга қувонч келтиради. Фақатгина унинг соғлиғи сизни қийнаб қўлиши мумкин. Унга камроқ дори бериб, кўпроқ қувватини оширадиган, организм чидамлилигини кучайтирадиган овқатлар бериб.

тушунади ва бошқа қайтармайди. Яна бошқаларни унга ўрнат қилиб кўрсатинг. У ўқини жуда тез ўрганайди. Уни кўпроқ илмий адабиётлар қизиқтиради.

ТАРОЗИ (24.09-23.10)

Асосий хусусияти: ҳақиқатқўй ва ривожланиш



Ижобий хислатлари: энгил, муомалали, жозибали, дидли, фаросатли, сабрли, жанжалга тоқати йўқ, келишувчан

Салбий хислатлари: иккиланувчан, танлашдан қўра ҳаракат қилмасликни афзал билади, ёлғизликни ёмон кўради, арзиманг нарсаларга ташвишланиб юради, маслаҳатқўй, кайфияти ўзгарувчан.

Болаҳонингиз ақолиб қилиқлари билан сизни хайрон қолдиради. У биринчидан ёлғиз қолишни ёқтирмайди. Енида ким бўлишидан қатъий назар бирор бўлса, у ўзини хотиржам сезади. Лекин болаҳонинг эндида жанжаллашманг, бу унга ёмон таъсир қилади.

Унинг битта камчилиги, қатъий қарор қабул қилмайдигани. Уни кўпроқ икки нарсадан бирини танлашни машқ қилдириб. У табиатан одамлар билан гаплашгани яқини кўради. Агар ўйга дўстларини олиб келса, ўзи уларникига борса, бунга қаршилик қилманг.

(Давоми келгуси сонда)
Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА

ҲОШИҚ ВАҲШЛАРИ БУЙРУҚСИЗ ҲАМ ЯШАШ МУМКИН-КУ

Ҳаётимизни, фаровонлиги тинчлигимизни кафолатлайдиган ҳукумат қарорларининг қундалик турмушимиздаги ўрни беқаб. Бироқ шуниси борки, кўпгина корхона ва ташкилот раҳбарлари маълум бир масала юзасидан тегисли қарорлар қабул қилиш жараёнида ўта расмийчиликка берилиб кетади.

Масалан, маълум бир ҳужжатда тезлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар пайдо бўлади. Раҳбар зудлик билан қарор тайёрлайди. Қарорда баъзан амалга ошириш жуда қийин бўлган масалаларни ҳам бандма-банд қалаштириб ташлайди.

Агарда корхона раҳбари қобилиятли, ишбилармон ва талабчан бўлса, ҳеч қандай қарор ва буйруқларсиз ҳам ишни тобора жадаллаштириши мумкин.

Сиз инсонсиз, олимсиз, саркардасиз, Қўлларини дово тутган шoirсиз. Она юрт деб бутга каби бўзлаган, Ватан дея жон бермоққа қодирсиз.

Дилафрўз РУСТАМОВА, Қашқадарё вилояти

“Махфий ҳужжатлар” телесериали экран юзини кўрач Девид Духовининг образи шундай ошиб кетдики, буни машҳурлик касалига ураган одамгина тушуниши мумкин.

ФБР агенти Фокс Малдер нопок кучлар билан толмай курашиб келди. Тўққиз йилдики, бу фильм дунё телеэкранларидан тўшмай келаётган. Юртимизда ҳам бу сериалга шайдо бўлганларнинг сони кўп.

МАШҲУРЛИК АТИРИНИНГ ЎЗГИНАСИ

— Сизнинг исмингизни “Махфий ҳужжатлар” қаҳрамони билан муштакам болдик холда тилга олишадими. Шу боис ўз-ўзиндан савол туғилади. Сиз битта роль актёри сифатида қолиб кетишдан чўчимайсизми?

— Агар иқтидор бўлса, у ўз йўлини топиб кетишига ишонман. Мабодо, бундай бўлмаган ҳолда ҳам нима қила олардик, йўқни бор қилиб бўлмайдими.

— Қачонлардир сиз машҳурлик атирларга қисс қилган эдингиз, нега? — Машҳурлик ички дунёимизни ўзгартира олмайди. На ўзимизни яхшилаб олади ва на покиза қила олади. Бундан ташқари, машҳурлик худди атирининг ўзгинаси, у ҳам узокқа бормайди, унинг муаттар ҳидлари бир зумда кўтарилиб кетади.

ЗЕХУРАТИЗМИНИ СИНАБ ҚИРЧАТ

Қадимда бир подшонинг гўзал, ақли, доно, ёлғиз қизи бор экан. Қиз вояга етганда, унга жуда кўп совчилар кела бошлади. Подшо қай бирига беришни билмай, боши қотиб турганда, малика айтибди, менинг учта саволимга ким жавоб берса, шунга тегаман, деб шарт қўйибди.

Илгит шохдан садаф келтиришларини илтимос қилибди. Подшонинг амри билан бир қўти садаф келтирилди. Илгит қўтидаги садафлар орасидан худди маликаникидек садафини олиб, жавоб сифатида қайтарибди. Малика икки садафини яна қайтариб чиқарибди. Илгит қўтидаги садафларнинг орасидан чиройли бир гавҳарни олиб, садафга қўшиб маликага берибди.

СКАНВОРД

Scrabble grid with words: Темирчи, Олим, Мота, Касалхона, Гача, қадор, Илон тури, Эшик (Форс.), Кондиционер русуми, Сатирра жанри, Оағина, Чукур, Ишора, Калта кесаклар ойнаси, Ит зоти, Қисм, Байрам, Кўза, Шат (АҚШ), Асл, Тўқай мушуги, Кўза, Куш тури, Уста, Ашк, Боқ, Бона..., Лум-пур, Кўуш-шоҳлар ойнаси, Арвоа, Мота, Ҳарбий бўлима, Қўра, Шот (АҚШ), Шот (АҚШ), Уста, Асл, Ашк, Боқ, Бона..., Лум-пур, Кўуш-шоҳлар ойнаси, Арвоа, Мота.

Тузувчи: **Холхўжа БАДИЕВ**

Turkiston МАССАСИ «КАМОЛ» ЁШЛАР ҲИЖИМОЙ ҲАРАКАТИ Газета Ўзбекистон Давлат Боснига тошнинг вақти-21.00 Матбуот қўмитасида Тошкент 22-20 № 0012 рақам билан рўйхатдан ўтган. 1 2 3 4 5 6 Офсет усулида босилади. Қозғ бичими А-2.

Тахрир ҳайъати: Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслидаим БОЛИЕВ, Юсуф ЖУРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анавар ЖАБВОРОВ, Ислом ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Гафур ҲОТАМОВ, Абдурашид ЖУМАЕВ

Виложан муҳбирлари: Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Телурица: 8-37-622 — 3-33-88 Бухоро ва Наманган вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44 Сурхондарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Телурица: 8-36-72 — 24-02-86 Фаргона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61 Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-36-62 — 34-43-89 Қорақалъон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Ургандда: 8-362-22 — 6-30-55 Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70 Манзиланимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 133-95-97, 3712) 133-79-69. Тахриратга юборилган материаллар назардан кайтарилмайди. Муаллафлар фикри тахриратдан назардан фарқланши мумкин. «Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилади. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. 536. Адади-8428. Намобатчи муҳаррир: Дилдора ТОИРОВА Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ